

№ 239
«18» октябрь 2022 у.

**“Худудгазтаъминот” АЖда “Одоб-ахлоқ қоидалари”ни
янада тартибга солиш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида**

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда Жамият ходимларининг хизмат фаолиятига оид ва хизматдан ташқари одоб-ахлоқи, истеъмомчилар билан муносабатларига доир қоидаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарорга мувофиқ “Худудгазтаъминот” АЖнинг янги таҳрирдаги “Одоб-ахлоқ қоидалари” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

3. “Худудгазтаъминот” АЖнинг “Одоб-ахлоқ комиссияси” тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. “Худудгазтаъминот” АЖнинг “Одоб-ахлоқ комиссияси” таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Комиссия ўз иш фаолиятини “Худудгазтаъминот” АЖнинг “Одоб-ахлоқ қоидалари” ҳамда “Одоб-ахлоқ комиссияси” тўғрисидаги Низом талаблари асосида ташкил этиши белгилаб қўйилсин.

6. “Худудгазтаъминот” АЖнинг 2020 йил 30 сентябрдаги 278-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Одоб-ахлоқ қоидалари” мазкур буйруқ тасдиқланган кундан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Девонхона (Каримова) жорий буйруқни Жамият марказий ижроия аппаратининг барча бошқарма, бўлим ва хизматларга ҳамда тизим ташкилотларига етказилишини таъминласин.

8. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарув раиси

Б. Эшмуратов

Б. Эшмуратов

Асмага Ҳасанов

